

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

САФАРОВА ГУЛНОЗ АВАЗХОНОВНА

**ПОСТКОВИД СИНДРОМДА КУЗАТИЛАДИГАН
НЕФРОПАТИЯЛАР ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШГА ЁНДАШУВЛАР**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафарова Гулноз Авазхоновна

Постковид синдромда кузатиладиган нефропатиялар ва уларни даволашга ёндашувлар.....3

Сафарова Гулноз Авазхоновна

Нефропатии, наблюдаемые при постковидном синдроме, и подходы к их лечению.....23

Safarova Gulnoz Avazkhonovna

Nephropathies observed in post-COVID syndrome and approaches to their treatment43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

САФАРОВА ГУЛНОЗ АВАЗХОНОВНА

**ПОСТКОВИД СИНДРОМДА КУЗАТИЛАДИГАН
НЕФРОПАТИЯЛАР ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШГА ЁНДАШУВЛАР**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3303 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино Номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-Саҳифасида (www.urgfiltma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гадаев Абдигаффар Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Якубова Азада Батировна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Тўрақулов Рустам Исматуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Анджон давлат тиббиёт институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси-28 уй. Тел./факс: +99862 224-84-84.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар.Ал-Хоразмий кўчаси-28уй. Тел./факс: +99862 224-84-84).

Диссертация автореферати 2025 йил «_» _____куни тарқатилди. (2025йил «__» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Р.Ю. Рузибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

З.Ф. Джуманиязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Б.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда 2019 - йилда авж олган COVID -19 инфекцияси ҳамон инсоният учун катта хавф туғдирмоқда. Сўнгги расмий маълумотларга кўра 2022-йилнинг ноябр ойига қадар Ўзбекистонда 244.510 киши касалланиб, улардан 1637 таси вафот этган. Американинг Жон Хопкинс университети ахборотида келтиришича бу кўрсаткичлар жаҳонда мос равишда 630.920.425 ва 6.539.051 кишидан иборат. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2023 – йил 3 – март ойида дунёда 758 миллион COVID-19 касаллиги тасдиқланган беморлар мавжудлигини кўрсатган.¹ Аксарият беморлар соғайиб ўзларининг бирламчи ҳолатларига қайтсалар ҳам уларнинг айримларининг саломатликларида муаммолар сақланади ва бу жараён ўткир ковиддан кейинги ҳолат ёки чўзилиб кечаётган COVID-19 деб аталади. Касаллик белгиларининг бирламчи зарарланишдан кейин уч ой ва ундан ортиқ давом этиши ҳамда бошқа сабаблар бўлмаган ҳолда янги белгиларни кузатилишини жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти узок муддатли ковид деб тарифлайди. Базан доимий белгилар кам симптомли инфекциядан кейин ҳам кузатилиши мумкин. Коронавирус учун респиратор тизим асосий нишон бўлса ҳам вирус қон орқали тарқалиши сабабли бошқа аъзолар ҳам зарарланади. Чунки унда инсон организми хужайралари билан ўзаро таъсир учун шароит яратувчи бир нечта трансмембранал гликопротеинлар мавжуд. Шу сабабли, бугунги кунда COVID -19 нафақат нафас, балки бошқа тизимларни ҳам зарарловчи ва оғир асоратларни юзага келтирувчи тизимли касаллик эканлиги кўплаб кузатувларда ўз исботини топган.

COVID-19 билан оғриган беморларда буйракларни зарарланиши кўп омилли ҳисобланади. Авваламбор вирус буйракларга бевосита цитопатик таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир бемор сийдигида вирус парчаларини занжирли полимераз реакция ёрдамида аниқланиши билан исботланган. У бемор хужайраларига кириш учун ангиотензин айлантирувчи фермент (ААФ) 2 рецепторларидан фойдаланади. Инсон тўқималарини секвенерлаш натижасида олинган сўнгги маълумотларда ААФ2 буйракларда ўпкаларга нисбатан 100 маротаба кўплиги тасдиқланган. Айрим маълумотларга кўра вирус бевосита буйрак каналчаларига таъсир кўрсатади ва уни қуйидагилар тасдиқлайди. Биринчидан вирус таркибий қисмларидан айримларини сийдикда топилиши. Бу уни каналчалар билан ўзаро таъсирда эканлиги ёки унга бевосита таъсир қилишини кўрсатади. Иккинчидан ААФ 2 экспрессиясини проксимал каналчалар билан чегараланганлигидир. Ниҳоят учинчи тасдиқ инфекцияни иккинчи ва учинчи ҳафтаси оралиғида COVID -19 сийдик билан ажралиши ва бу буйрак каналчаларини вирус зарарлашини ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлайди. Электрон микроскоп ёрдамида ўтказилган сўнгги текширувлардан бирида вирус бўлаклари COVID -19 билан оғриган беморларни нефрон капилларлари эндотелиал хужайраларида топилган. Апоптоз ҳолатида топилган бу бўлакчалар қўшимча равишда

¹ Xiaoming Wu. And others. Damage to endothelial barriers and its contribution to long COVID Angiogenesis. 2024 Feb;27(1):5-22. doi: 10.1007/s10456-023-09878-5. Epub 2023 Apr 27.

коронавирус эндотелиит чақирини ва беморларда тарқалган эндотелиал дисфункция ривожланишини тасдиқлайди. Коронавирусдан ўлган олтита беморлар буйракларининг гистологик текшириш натижалари уларда ўткир тубуляр некроз ва лимфоцитларнинг массив инфильтрацияси мавжудлигини кўрсатди².

Мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, жумладан, COVID-19 ўтказган беморларни соғломлаштиришни мувофиқлаштириш ҳамда асоратларни камайитириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилган ва бу жараён давом этмоқда.

Хозирга қадар узоқ кечувчи COVID нинг ривожланиш механизмларини башоратлаш ўрганилмаган. COVID-19 барча аъзоларни зарарловчи тизимли касаллик эканлиги бизга аён бўлсада хозирга қадар ушбу инфекцияга нисбатан соғлом кишиларда ўпкадан бошқа қайси ички аъзолар кўпроқ зарарланиши тўғрисида Ўзбекистонда кузатувлар санокли.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги³ Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124-сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ -215-сон “Бирламчи тиббий – санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда COVID - 19 га чалинган беморларни даволаш ва инфекция тарқалишини олдини олиш борасидаги селектир йиғилишларидаги кўрсатмаларини, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.³

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. АҚШдаги Джон Хопкинс университети маълумотларида шифохонада даволанган 38906 беморларнинг 77 текширувлари таҳлил қилинган. Унинг мезонларига жавоб берганларнинг 21468 таси АҚШ ва Европа мамлакатлари ва 9740 таси Хитой фуқаролари бўлган. COVID-19да умумий ўлим 20% (18-23%) бўлиб уларнинг 23% (19-27%) АҚШ ва Европада, 11% (7-16%) Хитойда бўлган. Ўлганларнинг 85% ёши 60 ва ундан юқорилиги аниқланган. Улардан 66% эркалар бўлиб мос равишда 66%, 44%, 39%, 37% ва 27% да артериал гипертензия, чекиш, қандли диабет, юрак ва буйракни сурункали касалликлари қайт этилган. Юрак касалликлари мавжуд бўлганда ўлим хавфи 52% (46-60%) ишонч интервали 95%, ўпканинг сурункали обструктив касаллигида 51% (43-59%),

² Su H, Yang M, Wan C, Yi L-X, Tang F, Zhu H-Y, et al. Renal histopathological analysis of 26 postmortem findings of patients with COVID-19 in China. *Kidney Int.* 2020;98(1):219–227. <https://doi.org/10.1016/j.kint.2020.04.003>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

буйракнинг сурункали касаллигида 48% (37-63%), жигарнинг сурункали касалликларида 39%, артериал гипертензияда 28% (23-36%), қандли диабетда 24% (17-33%) аниқланган (Jin M, Tong Q., 2020, Kaiser J. 2020).

Кузатувларда COVID-19 да юқорида санаб ўтилган аъзоларнинг зарарланишида оксидатив ва антиоксидатив тизимидаги ўзгаришлар ҳамда оқибатда юзага келадиган оксидланиш стресс ҳолати муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Маълумки, яллиғланиш (шу жумладан COVID-19 оқибатида юзага келадиган) ва оксидланиш стресси бир-бирини ўзаро кучайтиради ҳамда шу сабабли асосий патологик жараёнларни кучайишига хисса қўшади. Натижада COVID-19 билан касалланган беморлар аксарият ҳолларда антиоксидант муолажаларга мухтож бўладилар. Айрим тадқиқотчилар COVID-19 даги ушбу танқислигини бартараф этиш учун юқори дозадаги С витаминидан фойдаланишни тавсия этишган (Vollbracht Claudia , Kraft Karin. 2022).

Мавжуд баъзи адабиётларда турли ички аъзолар, шу жумладан, буйракларда Covid-19 ўтказган кишиларда кузатиладиган ўзгаришлар тўғрисида айрим маълумотлар келтирилган. Кузатувлар беморлар шифохонадан чиқганларидан сўнг учинчи ёки олтинчи ойларида ўтказилган (Ayoubkhani D, Khunti K, 2021). Лекин Covid-19 ўтказгандан кейин узок муддат ўтган беморлар лаборатор асбобий текширувлар таҳлили ва улар орасида буйракларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ўрганган адабиётларда ёритилмаган. Ваҳоланки буйраклар фаолиятини мониторингини ўтказиш ва унинг зарарланганлигини ўз вақтида аниқлаш ҳамда иккиламчи профилактика муолажаларини олиб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг у бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига асосан (22/26.05.2022) «COVID – 19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида ишланган (2022-2026 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади

COVID-19 билан оғриган ёндош касалликлари бўлмаган беморларда касаллик ўткир давридаги лаборатор-асбобий таҳлил натижалари ва кечишининг оғирлик даражасига асосланиб ковиддан кейинги эрта даврда (6 ой) буйраклар функционал ҳолатини комплекс баҳолаш ва давони такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 га чалинган ва шифохона шароитида даволанган 400 нафар ёндош касалликлари бўлмаган беморларнинг касалликнинг ўткир давридаги шикоятлари ҳамда ўтказилган лаборатор асбобий текширувлар ва комплекс муолажаларни ретроспектив таҳлил қилиш;

COVID-19 инфекцияси ўтказган беморларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишини ROC ва логистик регрессион таҳлиллар ёрдамида башоратлаш.

COVID-19 ўткир даврида нефропатия аниқланган беморларда интерлейкин-6, малондиалдегид кўрсаткичини антиоксидант терапиядан олдин ва 6 ойдан кейин аниқлаш;

COVID-19 ўткир даврида даврида буйрак дисфункцияси аниқланган беморларда антиоксидант терапиядан олдин ва 6 ойдан кейин ҳисобланган коптокчалар филтрациясини креатинин ҳамда цистатин-С ёрдамида ўрганиш;

COVID-19 ўткир даврида даврида нефропатия аниқланган беморларда сийдикда IV тип коллаген ва нефрин ёрдамида буйракдаги фиброз жараёнларни антиоксидант терапиядан олдин ва 6 ойдан кейин баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида биринчи босқичда коронавирусуга чалинган ва шифохона шароитида даволанган 400 беморларнинг касалликнинг ўткир давридаги шикоятлари ҳамда ўтказилган лаборатор асбобий текширувлари ва комплекс муолажалари ретроспектив таҳлил қилинган. Улардан буйракларида ўзгаришлар аниқланган 121 нафар беморлар ажратиб олинди ва тадқиқотга жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар веноз қони ва унинг зардоби иммунологик ва биокимёвий таҳлиллар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида клиник, биокимёвий (ферритин, Д-димер, қондаги антитаначалари иммунофермент усулида, интерлейкин-6 ва IV тип коллаген, нефринурия), асбобий (ЭКГ, ЭхоКГ) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 ўтказган беморларда нефропатия ривожланишида подоцитар дисфункция баҳоланиб, малондиалдегид ва яллиғланиш цитокинлари кўрсаткичларига мос равишда нефринурия даражаси ошиб бориши ва ушбу оқсилни подоцитлардан ажралиши касаллик оғирлик даражаси билан тўғри корреляцияси асосланган;

нефринурия ва малондиалдегид ошиб бориши билан қонда систатин-С ва сийдикда IV тип коллаген ҳам параллел равишда кўпайиши, буйракда склеротик жараёнлар ривожланиши ҳамда унда подоцитлар дисфункциясининг ўрни баҳоланган;

патологик жараён оғир кечиши, буйракдаги ўзгаришларнинг узок муддат сақланиб қолиши сабаби оксидланиш стресс маркери ҳисобланган малондиалдегид кўрсаткичларининг меъёридан юқорилиги эканлиги исботланган;

кверцетиннинг антиоксидант таъсир қилиши натижасида нефринурия даражаси, буйраклар функционал ҳолатида ижобий ўзгаришлар кузатилиши ва даво самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

COVID-19 ўтказган беморларда буйраклар дисфункциясини эрта аниқлаш маркерлари тавсия этилган.

Подоцитлар оқсили нефринурия ва унга параллел цистатин-С ва сийдикда IV тип коллаген ошиб бориши билан боғлиқ интерстициал склеротик жараёнлари ривожланиши исботланган.

COVID-19 нинг ўрта оғир ва оғир кечишида буйракдаги патологик жараёнлар узок муддат сақланиб қолиши ҳамда ушбу гуруҳ беморлар узок

вақт кузатувга ва нефропротектив муолажаларга муҳтожликлари аниқланган. Антиоксидант препаратларнинг малондиалдегид кўрсаткичлари, подоцитлар дисфункцияси, нефринурия ҳамда сийдикда IV тип коллаген кўрсаткичларига таъсири натижасида буйракдаги ўзгаришларни барқарорлаштириб ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда фойдаланилган ёндашувлар ва усуллар, илмий маълумотларнинг олинган натижалар билан муштараклиги, ўтказилган текширувларда услубий ёндашишнинг монандлиги, тадқиқотда жалб этилган беморлар сонининг етарлилиги, замонавий статистик текширишлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларни жаҳон ва мамлакатимиздаги маълумотлар билан солиштирма ўрганилганлиги, хулоса ҳамда натижаларнинг имтиёзли ишланмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки COVID-19 инфекцияси ўтказган беморларда нефринурия, интерлейкин-6, цистатин С ва альбуминурия сурункали буйрак касаллиги ривожлантириш эҳтимоли юқорилигини башоратловчи маркерлар эканлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар COVID-19 ўтказган ёндош касалликлари бўлмаган беморларда буйрак дисфункциясини баҳолашда креатининга нисбатан цистатин С ва нефринуриянинг юқори ишончли сезгирлиги аниқланган ҳамда уни даволашда антиоксидант терапиянинг самараси исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

“COVID-19 ўтказган кишиларнинг буйрақлар дисфункциясини турли даврларда ўрганиш” мавзусида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: COVID -19 ўтказган беморларда нефропатия ривожланишида подоцитар дисфункция баҳоланиб, малондиалдегид ва яллиғланиш цитокинлари кўрсаткичларига мос равишда нефринурия даражаси ошиб бориши ва ушбу оксилни подоцитлардан ажралиши касаллик оғирлик даражаси билан тўғри корелляцияси асосланганлиги бўйича “COVID -19 билан касалланган беморларда касалликдан кейинги эрта ва кечки даврларида буйрак фаолиятини баҳолаш прогностик тамойиллари” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 июл ойдаги 8н-р/825-сон баённомаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Мазкур услубий тавсиянома COVID -19 ўтказган беморларда нефропатия ривожланишини эрта аниқлаш ва нефринурия даражасининг касаллик авж олиши ва асоратланишини башоратловчи клиник – лаборатор маркер сифатида аҳамиятини ўрганиш асосида кейинчалик ривожланиш эҳтимоллиги бўлган сурункали буйрак касаллигини олдини олиш имконини берди ва эрта таъхисот натижасида касаллик оғирлик даражасини олдиндан баҳолашга эришилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: COVID -19 ўтказган беморларда нефропатия ривожланишида подоцитар дисфункция баҳолаш натижасида беморларнинг амбулатор муурожаатлари

қисқариши ва тез ёрдамга муҳтожлик, стационар даволаниш кўрсатмаси йўқлиги ҳисобидан ҳар бир нафар бемор учун сарфланадиган харажатларини 114 300 сўмга иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: COVID -19 ўтказган беморларда нефропатия ривожланишида подоцитар дисфункция баҳолаш, яллиғланиш цитокинлари кўрсаткичларига мос равишда нефринурия даражаси ошиб боришини аниқлаш натижасида бемор учун сарфланадиган амбулатор ва стационар харажатлардан ҳар бир нафар бемор учун бюджет ҳисобидан 48800 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 65500 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: нефринурия ва малондиалдегид ошиб бориши билан қонда цистатин-С ва сийдикда IV тип коллаген ҳам параллел равишда кўпайиши, буйракда склеротик жараёнлар ривожланиши ҳамда унда подоцитлар дисфункциясининг ўрни баҳоланганлиги бўйича таклифлар “ COVID -19 билан касалланган беморларда касалликдан кейинги эрта ва кечки даврларида буйрак фаолиятини баҳолаш прогностик тамойиллари” номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 июл ойдаги 8н-р/825-сон баённомаси). Мазкур таклифлар Бухоро вилояти Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапия бўлимларида (Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокорларининг 2025 йил 12 мартдаги 699-2-208-ТБ/2025-сонли ва 13 февралдаги 228-2-42-ТБ/2025-сонли буйруқлари билан) амалиётга жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: COVID -19 ўтказган ёндош касалликлари бўлмаган беморларда буйрак дисфункциясини баҳолашда креатининга нисбатан цистатин С, сийдикда IV тип коллаген ва нефринуриянинг юқори ишончли сезгирлиги аниқланган бўлиб, улар сурункали буйрак касаллигини олдиндан башоратловчи кўрсаткич сифатида қабул қилиниши бирламчи тиббий бўғиндан оғир ва қайтмас асоратларни олдини олишга қаратилган. Иқтисодий самарадорлиги: постковид синдромда буйракда склеротик жараёнлар ривожланишини эрта ташхислаш беморларнинг амбулатор мурожаати 2 мартага камайди, мутахассис кўриги ва стандарт бўйича бажариладиган бошқа лаборатор таҳлиллар сони 2 мартага қисқариши, асоратланишни 2 мартага камайиши ҳисобидан ҳар 1 нафар беморга бир йилда бюджет ҳисобидан 74280 сўм, бюджетдан ташқари 70200 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилинган. Хулоса: Нефринурия ошиб бориши билан қонда цистатин-С ва сийдикда IV тип коллаген ҳам параллел равишда кўпайиши, буйракда склеротик жараёнлар ривожланиши ҳамда унда подоцитлар дисфункциясининг ўрни аниқланганлиги асосида ишлаб чиқилган лаборатор мезонлардан фойдаланиб эрта ташхислаш ҳисобидан ҳар 1 нафар бемордан 144480 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: патологик жараён оғир кечиши, буйракдаги ўзгаришларнинг узок муддат сақланиб қолиши сабаби оксидланиш стресси маркери ҳисобланган малондиалдегид кўрсаткичларининг меъёридан юқорилиги эканлиги исботлангани бўйича таклифлар “ COVID -19 билан касалланган беморларда касалликдан кейинги эрта ва кечки даврларида буйрак фаолиятини баҳолаш прогностик тамойиллари” номли услубий

тавсиянома мазмунига киритилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 июл ойдаги 8н-р/825-сон баённомаси). Мазкур таклифлар Бухоро вилояти Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапия бўлимларида (Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокорларининг 2025 йил 12 мартдаги 699-2-208-ТБ/2025-сонли ва 13 февралдаги 228-2-42-ТБ/2025-сонли буйруқлари билан) амалиётга жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: COVID -19 натижасида яллиғланиш жараёнларининг организмда узоқ вақт давомида сақланиб туриши, буйрак дисфункцияси ривожланган беморларда ушбу аъзода фиброз жараёнлари ривожланишига сабаб бўлади. Аниқланган янгилик орқали эса ўз навбатида, беморни диализга ўтказиш ва бутун умр инсонни ногиронликка олиб келувчи муолажаларга еҳтиёжини камайтириши мумкин. Иқтисодий самарадорлиги: COVID -19 оғир кечган ҳолларда буйракдаги ўзгаришлар узоқ муддат сақланиб қолишини аниқлаш асоратланишни олдини олиш орқали беморларнинг амбулатор муружаати 2 мартага камаяди, мутахассис кўриги ва стандарт бўйича бажариладиган бошқа лаборатор таҳлиллар сони 3 мартага қисқариши, асоратланишни 4 мартага камайиши ҳисобидан ҳар 1 нафар беморга бир йилда бюджет ҳисобидан 104420 сўм, бюджетдан ташқари 84400 сўм миқдордаги харажат иқтисод қилинган. Хулоса: COVID -19 оғир кечган ҳолларда буйракдаги ўзгаришлар узоқ муддат сақланиб қолиши асосида фиброз ривожланишини эрта босқичларида ташхислаш натижасида бемор учун сарфланадиган амбулатор ва стационар харажатлардан ҳар бир нафар бемор учун 188820 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: кверцетиннинг антиоксидант таъсир қилиши натижасида нефринурия даражаси ва буйраклар функционал ҳолатида ижобий ўзгаришлар кузатилиши ва даво самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар “ COVID -19 билан касалланган беморларда касалликдан кейинги эрта ва кечки даврларида буйрак фаолиятини баҳолаш прогностик тамоийллари” номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 июл ойдаги 8н-р/825-сон баённомаси). Мазкур таклифлар Бухоро вилояти Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапия бўлимларида (Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими ва Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокорларининг 2025 йил 12 мартдаги 699-2-208-ТБ/2025-сонли ва 13 февралдаги 228-2-42-ТБ/2025-сонли буйруқлари билан) амалиётга жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: Коронавирус инфекцияси ўтказган ва буйрак дисфункцияси ривожланган беморларда ўтказилган антиоксидант даво муолажасидан сўнг динамикада унинг фаолияти ижобий томонга ўзгарди. Танланган даво негизида беморларнинг меҳнатга лаёқатизлик муддатини қисқаришини ҳисоблаш орқали даволаш усули самараси аниқланди. Иқтисодий самарадорлиги: COVID -19 ўтказган беморларда нефропатия ривожланишида антиоксидант препарат - кверцетин кўллаш орқали даволаш самарадорлигини оширилиши ҳисобига стационар даволаниш кўрсатмаси йўқлиги, такрорий кўриклар

қисқарганлиги ҳисобидан ҳар бир нафар бемор учун сарфланадиган харажатларини 102400 сўмга иқтисод қилишга эришилган. Хулоса: Постковид синдромда нефропротекция мақсадида антиоксидант препарат қўллаш натижасида бемор учун сарфланадиган амбулатор ва стационар харажатлардан ҳар бир нафар бемор учун бюджет ҳисобидан 50400 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан еса 52000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Хулоса: Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши аҳоли ўртасида постковид синдромда юзага келадиган нефропатияларни эрта даврларда аниқлаш, антиоксидант терапияни бошлаш ҳамда даво самарасини ошириш имконини берган.

Олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 22-майдаги 18-сонли йиғилиш баённомасига асосан хулоса олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **адабиётлар шарҳи** бобида фойдаланилган адабиётлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Бу бобда улардаги маълумотлар умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот ҳамда унда қўлланилган статистик усуллар келтирилган. Тадқиқотимизнинг биринчи босқичида Бухоро вилоят юқумли касалликлар ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида COVID-19 билан даволанган ва ундан сўнг кузатувга олинган, коморбид

касалликлари бўлмаган 400 нафар (18-45 ёш оралиғида, 200 та эркаклар ва 200 аёллар) беморларда касалликнинг ўткир даврида ўтказилган лаборатор-асбобий текширувлар ҳамда комплекс муолажалар ретроспектив таҳлил қилинган ҳамда олинган натижалар баҳоланган. Беморлар COVID-19 клиник кечишига кўра 3 та гуруҳга (енгил, ўрта оғир ва оғир) ажратилдилар ва ўзаро солиштирма таҳлил қилинган.

Илмий изланишнинг иккинчи босқичида ретроспектив таҳлил натижасида COVID-19 ўтказган учала гуруҳдаги сийдигида микро ва макроалбуминурия (30 мг/л дан юқори) аниқланган 121 нафар кузатувдагилар алоҳида ажратиб олинган. Уларнинг ўртача ёши $33.1 \pm 0,8$ ёш, 65 нафар эркак ва 56 нафар аёллардан иборат бўлган. Дастлаб COVID-19 нинг ўткир даврида 400 та беморларнинг шикоят, анамнези ўрганилиб, умумий пешоб таҳлили, қоннинг умумклиник, биокимёвий ва қон ивиш тизими таҳлиллари, коагулограмма ҳамда компьютер томография (КТ) хулосалари таҳлил қилинган. Улар ичидан сийдигида албуминурия аниқланган 121 нафари ажратиб олиниб шифохонадан чиққандан сўнг 6 ой ўтгач иммунофермент таҳлил усулида қон зардобидидаги цистатин-С, интерлейкин-6, малондиалдегид микдорий кўрсаткичлари, сийдикда нефринурия ва коллаген IV антиоксидант нефропротектив муолажалардан олдин ва кейин аниқланган. Шунингдек, беморларнинг барчасида ЭКГ, рентген, буйрақлар УТТ текшируви ўтказилган.

Беморларнинг 7 нафарини енгил, 27 нафарини ўрта оғир ва 87 нафарини оғир даражадаги COVID-19 ўтказган беморлар ташкил этган. Коронавируснинг енгил шакли билан касалланган беморлар назорат гуруҳи сифатида кузатувга олинган ва уларга антиоксидант даво муолажалари ўтказилмаган. Бунга ушбу гуруҳ беморларда оксидатив стресс натижасида кузатиладиган малондиалдегит даражасини референс кўрсаткичларига яқин бўлганлиги асос қилиб олинган.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2021) пакетли компьютер дастуридан ва SPSS for Windows (SPSS, 25.0) фойдаланилган.

Диссертациянинг **учинчи боби** “Шахсий натижалар таҳлили” деб номланиб, ретроспектив таҳлил натижалари келтирилган.

Мазкур бобда кузатувга олинган 400 нафар COVID-19 ўтказган ва ёндош касалликлари бўлмаган беморларнинг анамнестик, лаборатор-асбобий текширувлар натижаларининг солиштирма таҳлили баён қилинган. Қуйидаги 1-жадвалда тадқиқотга жалб этилган беморлар тавсифи келтирилган.

1-жадвал

COVID-19 ўтказган ва ёндош касалликлари бўлмаган беморларнинг ёши, жинси ва айрим кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили


Кўрсаткичлар	COVID-19 билан касалланганлар сони, n=400	P (гуруҳлар ўртасида фарқлар)
--------------	---	-------------------------------

	Енгил даража, n=102	Ўрта оғир даража, n=100	Оғир даража, n=198	ишончилиги)
Ўртача ёш, (йил)	32.7±2.15	34.7±2.05	34.5±2.9	$p_{1-2-3}>0,05$
Аёллар, (сони)	48 (47%)	49 (49%)	103 (52%)	$p_{1-2-3}>0,05$
Эркаклар, (сони)	54 (53%)	51 (51%)	95 (48%)	$p_{1-2-3}>0,05$
Тана вазни индекси, кг/м ²	25.7±4.4	26.2±4.5	29.4±5.4	$p_{1-2-3}>0,05$
Тамаки чекиши, %	24%	35%	39%	$\chi^2_{1-3}=5.2, p<0.05$
Систолик қон босими, мм.сим.уст.	128.2±6.7	126±8.2	130.2±9.6	$p_{1-2-3}>0,05$
Диастолик қон босими, мм.сим.уст.	78,2±2,4	84,5±2,6	88,7±2,7	$p_{1-2-3}>0,05$

COVID-19 ўтказган беморлар ретроспектив таҳлил натижалари касаллик кечишининг оғирлик даражаси, уларнинг ёши, жинси, тана вазни индексига боғлиқ эмаслигини, лекин унинг енгил ва оғир даражада кечишига тамаки чекишнинг сабий таъсири мавжудлиги қайд этилган.

Оксидатив стресснинг асосий маркерларидан бири ҳисобланган малондиалдегит кўрсаткичлари коронавируснинг енгил, ўрта оғир ва оғир даражаси билан касалланганларда мос равишда 8.4 ± 1.5 , 27.3 ± 2.5 , 42.4 ± 3.8 нг/мл га тенг бўлган. Улар ўзаро солиштира ўрганилганда юқори ишончли ($p<0,001$) фарқлар аниқланган.

Шунингдек, беморларда буйрак фаолиятини баҳолаш мақсадида қон зардобдаги креатинин кўрсаткичлари ўрганилган. Унинг кўрсаткичлари асосида барча гуруҳларда коптокчалар фильтрацияси тезлигини баҳоланган. Қуйидаги 1-расмда олинган натижалар келтирилган.



1- расм. COVID-19 ўтказган ва ёндош касалликлари бўлмаган турли оғирлик даражадаги беморларда креатинин ва у орқали ҳисобланган коптокчалар фильтрацияси тезлигининг солиштира таҳлили

COVID-19 енгил ва ўрта оғир даражаси билан касалланган беморларда

қон зардобидаги креатинин миқдори ўзаро солиштирилганда ишончли фарқ ($p < 0,01$) учинчи гуруҳдаги беморларда эса дастлабки иккала гуруҳдагиларга нисбатан юқори ишончли ($p < 0,001$) фарқ қайд этилди.

Креатинин ёрдамида ҳисобланган коптокчалар филтрацияси тезлиги (хКФТ) гуруҳлар ўртасида ўзаро солиштира ўрганилганда биринчи ва иккинчи гуруҳ орасида ишончли ($p < 0,05$) ҳамда биринчи ва учинчи гуруҳлар ўртасида юқори ишончли ($p < 0,001$) фарқ аниқланган. Иккинчи ва учинчи гуруҳ да хКФТ кўрсаткичларида ишончли фарқ қайд этилмаган.

Ретроспектив таҳлилнинг кейинги босқичида беморлардан олинган сийдик таҳлили протеинурия натижаларидан келиб чиқиб бир кеча кундузлик пешобдаги пешобдаги оксил миқдори аниқланди ва албуминурия даражасидан келиб чиқиб беморлар гуруҳларга ажратилган. Биринчи гуруҳга сийдикда албуминурия аниқланмаган ёки нормоалбуминурия даражасида бўлган беморлар (<30, мг/л), иккинчи гуруҳга микроалбуминурия аниқланганлар (30-300, мг/л) ва учинчи гуруҳга макроалбуминурия аниқланганлар (>300, мг/л) киритилган. Қуйидаги 2-расмда барча кузатувдаги беморлар ва уларнинг 121 тасида бир кеча кундузлик протеинурия даражалари кўрсатилган.



2- расм. COVID-19 ўтказган ва ёндош касалликлари бўлмаган беморларда бир кеча кундузлик албуминурия даражаси

Олинган натижалар коронавирус инфекциясининг буйраклар коптокчаларига зарарли таъсир қилишини тасдиқлаган. Вируснинг буйракларни зарарлаш даражаси нафақат, касаллик кечишининг оғирлик даражасига, балки даволашда қўлланилган препаратларнинг ҳам таъсири билан боғлиқ деб баҳолаш мумкин.

Ўтказилган ретроспектив таҳлил 31.75 % илгари соғлом бўлган коронавирус билан касалланган беморларда турли даражадаги буйраклар дисфункцияси мавжудлигини тасдиқлаган. Бу инфекция ўтказган беморларда, нафақат динамик кузатувлар, балки нефропротектив муолажалар олиб бориш зарурлигини кўрсатган. Шулар эътиборга олиниб юқорида қайд этилган 121 нафар бемор нефропротектив даво негизида кузатувга олинган.

Диссертациянинг **тўртинчи боби** “COVID-19 ўтказган ва ёндош касалликлари бўлмаган буйрак дисфункцияси аниқланган беморларнинг

даволашдан кейинги таҳлил натижалари”га бағишланган.


Тадқиқотининг иккинчи босқичига ретроспектив таҳлил қилинган COVID-19 нинг энгил, ўрта оғир ва оғир даражаси билан касалланган 400 нафар беморлар орасидан 121 буйрак дисфункцияси аниқланганлар жалб қилинган. Уларнинг 7 нафарини энгил, 27 нафарини ўрта оғир ва 87 нафарини оғир даражадаги COVID-19 ўтказган беморлар ташкил этган. Коронавируснинг энгил шакли билан касалланган беморлар назорат гуруҳи сифатида кузатувга олинган ва уларга антиоксидант даво муолажалари ўтказилмаган. Бунга ушбу гуруҳ беморларда оксидатив стресс натижасида кузатиладиган малондиалдегит даражасини референс кўрсаткичларига яқин бўлганлиги асос қилиб олинган.

Проспектив кузатувга олинган беморлар олти ой давомида доимий назоратда бўлган. Диссертациянинг иккинчи бобида келтириб ўтилган лаборатор ва асбобий текширишлар тадқиқотнинг дастлабки биринчи хафтасида ва олти ойдан сўнг ўтказилган. Ушбу гуруҳ беморларга буйраклар дисфункциясини бартараф этиш мақсадида кверцетин препарати 500 мг капсула шаклида кунда 2 мартаба берилди ва олинган натижалар ўзаро солиштирма таҳлил қилинган. Гуруҳлар орасида ўртача ёш, жинс, тана вазни индекси, тамаки чекувчилар сони, систолик ва диастолик қон босими солиштирма ўрганилганда ишончли фарқ кузатилмаган ($p>0,05$).

Проспектив кузатувга олинган беморларда тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб даво муолажасидан олдин ва олти ойдан кейин стандарт умумклиник таҳлилдан ташқари махсус текширувлар ўтказилган.

Даво муолажаларидан олдин интерлейкин-6 кўрсаткичлари биринчи гуруҳ билан иккинчи гуруҳлар ўртасида ишончли ($p<0,05$) ва учинчи гуруҳ орасида юқори ишончли ($p<0,001$) фарқ аниқланган. Иккинчи ва учинчи гуруҳ кўрсаткичлари орасида ишончли фарқ қайд этилмаган ($p>0,05$).

Ўтказилган даво муолажаларидан сўнг COVID-19 нинг энгил даражаси билан касалланганларда интерлейкин-6 кўрсаткичи деярли 3.5 мартаба камайган. Касалликнинг ўрта оғир шакли билан оғриганларда унинг миқдори даводан кейин 1.91 мартаба камайиб, ишончли ($p<0,05$) фарқ аниқланган. Оғир даражадаги коронавирус билан касалланганларда интерлейкин-6 миқдори 29 дан 14,8 пг/мл га деярли 2 мартаба камайиб, юқори ишончли ($p<0,001$) фарқни намоён қилган. Қуйидаги 3-расмда олинган натижалар келтирилган.



3- расм. COVID-19 ўтказган ва ёндош касалликлари бўлмаган турли даражадаги буйраклар дисфункцияси аниқланган беморларда интерлейкин-6 кўрсаткичларининг даводан олдин ва кейинги ўзгариши (пг/мл)

- фарклар даводан олдинги кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (- P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001).

Тадқиқотга жалб қилинган беморларда буйраклар дисфункциясини креатинин ва цистатин С ёрдамида даводан олдин ҳамда олти ойдан кейин ўрганилган ва олинган натижалар ўзаро солиштирма баҳоланган. Қуйидаги 2-жадвалда унинг натижалари келтирилган.

2-жадвал.

Тадқиқотга жалб қилинган беморларда буйраклар дисфункциясини даво муолажаларидан олдинги ва кейинги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Буйраклар дисфункцияси аниқланганлар сони, n=121						P (гурuhlар ўртасида фарклар ишончилиги)
	COVID-19, енгил даража, n=7		COVID-19, ўрта оғир даража, n=27		COVID-19, оғир даража, n=87		
	Даводан олдин	Даводан кейин	Даводан олдин	Даводан кейин	Даводан олдин	Даводан кейин	
Креатинин, $\mu\text{mol/L}$	70.2±3.4	60.2±2.1*	90.4±4.2	73.6±3.4**	101.6±6.4	88.3±4.5*	p ₁₋₂₋₃ <0,001
Креатинин бўйича ҳисобланган КФТ, $\text{мл/мин}/1.73 \text{ м}^2$	120±2.8	126±3.1	99±2.5	118±2.8**	86±2.1	102±3.5**	p ₁₋₂₋₃ <0,001

Цистатин С, мг/л	0.95±0.05	0.86±0.02	1.1±0.05	0.97±0.04*	1.28±0.06	1.05±0.02**	p ₂₋₃ < 0,05 p ₁₋₂ < 0,05 p ₁₋₃ < 0,001
Цистатин С бўйича ҳисобланган КФТ, мл/мин/1.73 м ²	93±3.1	106±4.8*	76±3.6	90±3.4**	62±4.9	81±4.1**	p ₁₋₂ < 0,01 p ₁₋₃ < 0,001 p ₂₋₃ < 0,05


- фарқлар даводан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишончилиги (- P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001).

Юқоридаги жадвалда келтирилганидек, дастлаб беморларда буйрақлар функционал ҳолати креатинин ёрдамида даводан олдин ва кейин баҳоланган. Креатинин кўрсаткичи COVID-19 нинг энгил, ўрта оғир ва оғир даража билан касалланганларда мос равишда 70.2 , 90.4 ва 101.6 мкмол/Л ни ташкил қилган. Улар ўзаро солиштирилганда барча гуруҳларда бир бирига нисбатан даводан олдин юқори ишончли фарқ қайд этилган. Ўтказилган нефропротектив даво муолажасидан сўнг уччала гуруҳда мос равишда 10, 17, 13 мкмоль/лга камайганлиги кузатилган.

